Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 27 август, шанба • № 69 (11.768) • Эркин нархда сотилади

## МДҲНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

**ҚОЗОН.** (26 август. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Татаристон Республикасининг пойтахти Қозон шаҳрига келди.**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммити Ҳамдўстлик Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда асосий эътибор МДҲни ислоҳ қилиш ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масаласига қаратилди. Президентлар хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари, Ҳамдўстлик мамлакатларида кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида бу масалаларнинг муҳокамаси давом этди. Шунингдек, МДҲ мамлакатларининг гуманитар ҳамкорлиги тўғрисидаги битим лойиҳаси кўриб чиқилди. Бу ҳужжат маданият, таълим, илм-фан, ахборот ва оммавий коммуникациялар, спорт, сайёҳлик ва ёшлар билан ишлаш соҳаларида алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

МДҲнинг навбатдаги саммитини Минскда ўтказишга келишиб олинди.

Музокаралардан сўнг Президент Ислом Каримов Қозон Кремлига борди, "Қул Шариф" масжидини зиёрат қилди.

Президент Ислом Каримов Қозон шаҳрининг 1000 йиллигига бағишланган расмий тантаналарда иштирок этди.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

**2005 йил 26 августда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлди.**

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, Сенат учинчи ялпи мажлисининг иши Қашқадарё вилоятидан сайланган бир гуруҳ сенаторларнинг Хонобод шаҳарчаси яқинидаги аэродромда жойлашган АҚШ қуролли кучлари контингентини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан мурожаатномасини кўриб чиқишдан бошланди.

Бу масала муҳокамасида сенаторлардан Н.Зайниев, С.Сафоев, Э.Воҳидов, М.Рустамбоев, А.Адилов, Ҳ.Ортиқбоева, П.Зиётов, М.Болтабоева, Б.Йўлдошев, Р.Валиева, В.Кучеров, С.Одилхўжаева, А.Султонов, Б.Убайдуллаев, В.Пак ва Ё.Фаттоев сўзга чиқдилар. Улар шуни таъкидладиларки, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентига Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ҳукуматлари томонидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ, халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида Афғонистон

(Давоми 2-бетда).

Ҳадемай, вилоятимиз пахтазорларида ғўза дефолиацияси оммавий бошлаб юборилади ва машина терими учун кенг иш фронти яратилади. Шу боис барча туман МТПларида тайёргарлик чизиғига қўйилган терим агрегатлари яна бир бор кўздан кечирилмоқда.



***СУРАТЛАРДА:** (юқорида) Оққўрғон тумани МТПси оператори Бунёд Абдураимов; Юқоричирчиқ МТПси раҳбари Одилжон Салимов (ўнгда) операторлар Мирзакарим Мирзараҳматов ва Исмоил Хошимов мавсумга шай қилинган «Кейс» комбайнларини текширувдан ўтказишмоқда.*

**Еркебой БОТИРОВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕНАТИНИНГ

## БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикасининг Сенати Ўзбекистон Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати номидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ АҚШга бериб турилган "Хонобод" (Қарши) аэродромидан бу мамлакатнинг фойдаланиши муддатлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Мазкур Битим, унинг 2 ва 18-моддаларида таъкидланганидек, АҚШ Ҳукуматига халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида АҚШнинг Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар ўтказиши даврида қидирув-қутқарув тадбирлари ҳамда гуманитар ёрдам кўрсатиш операциялари учун "Хонобод" аэродромидан фойдаланиш имкони берилган эди. Ва бир неча бор таъкиддаб ўтилганидек, Битим амал қилишининг дастлабки муддати бир йилни ташкил этган бўлиб, у тарафлардан бири битимнинг амал қилишини тугатиш ҳақида 180 кун олдин ёзма равишда хабардор этмагунга қадар ўз кучини сақлаб қолишда давом этиб келган.

Битимнинг имзоланиши антитеррор коалиция иштирокчиси сифатида Ўзбекистон тарафининг тинчликка ва умуман Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликка бўлаётган таҳдидларга қарши курашга ва, биринчи навбатда, Ўзбекистон чегараларига, аҳолисининг хавфсизлиги ва осойишталигига бевосита таҳдид солаётган қўшни афғон юртида халқаро терроризм кучларининг базалари ва полигонларини йўқотиш ишига ўз улушини қўшишга бўлган интилишининг тақозоси эди.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати америка контингентининг "Хонобод" аэродроми ҳудудида бўлиши тўғрисидаги Битим аввал бошданоқ АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Афғонистон ҳудудида толибон тузумига ва халқаро терроризм кучларига қарши фаол жанговар операциялар ўтказиши билан боғлиқ эканлигини ҳамда бу жанговар операциялар тугалланганидан кейин "Хонобод" аэродромидан фойдаланиш ўз мазмун-моҳиятини йўқотаётганлигини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон тарафи Битим бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўлатўкис адо этди. Айни бир вақтда Америка тарафидан, америка контингентининг шахсий таркиби жойлашиб олишига доир харажатларни истисно этганда, зарур ер усти ва ҳаво инфратузилмасини барпо этиш, муҳофаза қилиш, парвозларни амалга ошириш, аэродром яқинида яшовчи аҳолига ва атроф муҳитга етказилган талафот ва зарарларнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ҳеч қандай моддий харажатлар қилингани йўқ.

Бугунги кунда Афғонистондаги ҳақиқий вазиятнинг холисона таҳлили шундан далолат берадики, айрим минтақаларда, энг аввало Афғонистон жанубида сақланиб турган кескинлик билан бир қаторда умуман мамлакатда халқаро ҳамжамият кўмагида Афғонистонни тиклаш, ҳокимият ҳамда мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмаларни шакллантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш жараёни қадам-бақадам бормоқда.

Афғонистондаги уруш ҳамда кенг кўламдаги жанговар операциялар ўтказиш даври, АҚШда ва Европада расмий шахслар томонидан берилган баёнотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг материаллари далолат бераётганидек, умуман олганда якун топди.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, "Хонобод" аэродроми юзасидан тузилган мазкур Битимда Ўзбекистон Ҳукумати номидан зиммага олинган мажбуриятларнинг амалда бўлишини тугатиш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон тарафи суверен давлат сифатида ўртага қўйганлиги ҳуқуқий жиҳатдан батамом асослидир.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати "Хонобод" аэродроми юзасидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимнинг амал қилишини давом эттириш учун ҳеч бир асос кўрмаяпти ва америка контингентининг бу аэродромда бўлишини тугаллашга доир белгиланган барча тартиботларини амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди.

## Мукофот муборак!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:**

**«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»**

**Тоиров Маҳмуджон** (Маҳмуд Тоир) – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими масъул котиби

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Алимов Собир** – Тошкент туманидаги Т. Дадажонов қишлоқ врачлик пункти шифокори

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Ешмурзаева Зарифа Араббоевна** – «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи

**«Шуҳрат» медали билан**

**Абдуллаева Турсуной Ҳабибовна** – Бекобод туман болалар шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси

(Давоми 2-бетда).

**Ангрен шаҳрига ўтган йили табиий газ келтириш қизғин бошланиб кетган эди. Шу мақсадда вилоят бюджетидан «Тошвилоятгаз» орқали зарур миқдорда маблағ ажратилди.**

## АНГРЕНГА «ЗАНГОРИ ОЛОВ» КЕЛДИ

Оҳангароннинг Ақча станциясидан Ангренгача бўлган 15,1 километр масофага диаметри 250 миллиметрли газ қувурлари ётқизилди. 10 августда шаҳарнинг 5/5 даҳасидаги 27 та кўп қаватли уйнинг 320 хонадонига табиий газ берилди. Даҳанинг қолган 854 хонадонида газ ўлчагич асбоблари ўрнатилмоқда.

5/2, 5/3 ва 5/4 даҳаларда 74 та кўп қаватли уй бўлиб, шу йилнинг 21 сентябригача 2252 та хонадон газлаштирилиши режалаштирилган. Бундан ташқари йил охирига қадар яна 121 та уйнинг 2448 хонадони газлаштирилиши кўзда тутилган.

«Ўзгазлойиҳа» институти томонидан тайёрланган Ангрен шаҳрининг кўп қаватли уйларини фақат овқат тайёрлаш учун газлаштириш мақсадида ўрта ва паст босимли қувурларни қуриш лойиҳаси бўйича Ангрен шаҳри ва Дукент қўрғонини табиий газ билан таъминлаш ҳукумат дастурига киритилган.

Айни пайтда шаҳар ички йўналиши бўйича ўрта босимли қувурлар ётқизиш ва пайвандлаш ишлари вилоят тендер комиссияси томонидан ғолиб чиққан Тошкентдаги «ТАГА» масъулияти чекланган жамият ҳамда «Шаҳриёр» хусусий корхонаси қурувчи-монтажчилари томонидан амалга оширилаяпти.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### МУҚАДДАС ВАТАН МАДҲИ

**Чирчиқ шаҳар жамоат ташкилотлари ҳарбий қисмларда маънавият ва маърифат соатлари ташкил этмоқда.**

Шундай тарбиявий тадбирлар мустақиллик байрами арафасида сержантлар тайёрлаш мактаби билан десантчилар қисмида бўлиб ўтди. «Она каби муқаддассан, азиз Ватан!» шиори остида ўтган бу учрашувларда ота-оналар ҳам иштирок этишди. Давраларда она-Ватан, унинг дахлсизлигини таъминлаш, ҳарбий тайёргарликни кучайтириш сингари масалалар теварагида сўз борди.

**Р. БЕКБЎТАЕВА.**

### СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Бўстонлиқ туманидаги «Чинор» ва «Дала» фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшовчи аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Ушбу ҳудудда ҳашар йўли билан 7 километр узунликда тоза ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Ҳозир икки юз хонадон ичимлик сувидан баҳраманд бўлмоқда.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

### БИР ЙЎЛА УЧТА

**Паркент туманида Мустақилликнинг 14 йиллиги олдидан бир йўла учта янги мактаб фойдаланишга топширилаётир. Яна кўплаб мактаблар қайта таъмирланаяпти.**

Туман маорифчилари ана шундай ютуқларни қўлга киритган ҳолда ўзларининг анъанавий август кенгашига тўпландилар. Бир қанча йўналишлар бўйича ғолиб ўқитувчилар муносиб тақдирланишди. Анжуманга вакил бўлган 400 нафар ўқитувчининг ҳар бирига 25 минг сўмдан мукофот тарқатилди. Алоҳида кўрсаткичларга эришганлиги боис 15-мактаб ҳамда 13-болалар боғчаси жамоаларига рангли телевизор, шунингдек, ҳомий ташкилотлар, чунончи, «Фидокорлар» миллий-демократик партияси туман кенгаши, «Чанги» ширкат хўжалиги, туман «Маънавият ва маърифат» марказининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси республик

а кенгаши Санганак қишлоғидаги 21-ўрта мактабга энг сўнгги русумдаги замонавий компьютер совға қилди.

**Тўйчи ДЎСМАТОВ.**

### ЎЙИНГОҲ ЯНГИ ҚИЁФАДА

**Қуйичирчиқ туманидаги марказий ўйингоҳ қайтадан таъмирланиши муносабати билан янгича кўриниш кашф этди.**

Унинг талаб даражасида таъмирлашда «Бунёдкор-А» қурилиш компанияси жонбозлик кўрсатди. Барча ишлар учун 3,5 миллион сўмлик маблағ сарф этилди.

Энди ушбу ўйингоҳда ўсмирлар ва болалар спорт билан қулай шароитларда бемалол шуғулланишлари мумкин.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

### ТАДБИРКОРНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

**Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Холмуҳаммад Тожибоев каровсиз ва ташландиқ ётган ерни ободонлаштириб, озиқ-овқат ҳамда хўжалик моллари дўкони қурди.**

Интилганга толе ёр деганларидек, тадбиркор қутлуғ байрам арафасида яна бир хайрли ишга қўл урди. У мўъжазгина тегирмон ҳам қуриб, ишга туширди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

### ҲАРБИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида вилоятдаги ҳарбий қисмлар ва чегара постларида маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.**

Уни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ташкил этмоқда.

Жумладан, Чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг Тошкент тумани чегара постида ўтган тадбирда Келес автомобиль мактаби курсантлари, чегара пости, ҳарбий қисмнинг офицер ҳамда аскарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

Дастлаб, Келес автомобиль мактаби курсантлари ва ҳарбий қисм аскарлари ўртасида спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича ўзаро мусобақалар ўтказилди. Тадбирнинг асосий қисмида нотиқлар Ватан мустақиллиги ва унинг равнақи олий неъмат эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Тадбир сўнггида мусобақа ғолиблари ва фаол хизмат қилаётган офицерлар, аскар ва курсантларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Тадбирнинг маънавий-тарбиявий қисми хонандаларнинг қувноқ куй-қўшиқларига уланиб кетди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

